

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси рамзи тўғрисида НИЗОМ

1. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси нишони (эмблемаси) унинг асосий рамзи ҳисобланиб, оқ-қора ва бошқа рангларда ифодаланади.

2. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси рамзи оқ рангдаги доира шаклида, унинг устки қисмида, доира атрофи бўйлаб кўк рангда айлана чизилган бўлиб, ўзида мусаффо ва беғубор мовий осмонимизни, партия социал-демократик ғоялар асосида бирлашганлигини, шунингдек, биз яшаётган ва фаолият кўрсатаётган она сайёрамизни мужассамлаштирган.

Рамзнинг фонидаги оқ ранг поклик, одиллик, тўғрилиқ ва инсоний меҳр-оқибат рамзидир.

Рамзнинг оқ фонида тасвирланган қизил атиргул партиянинг социал-демократик йўналишдаги сиёсий партия эканлигини кўрсатиб, социал-демократиянинг адолатлиқ, эркинлик, бирдамлик ва фаровонлик тамойилларини ўзида акс эттиради.

Рамз оқ фонининг ўрта, яъни қизил атиргулнинг пастки қисмида яшил рангда лотин имлосида O‘ZBEKISTON сўзи, унинг пасткида кўк рангда лотин имлосида, O‘ZBEKISTON сўздан йирикроқ ҳарфларда “ADOLAT” сўзи, ушбу сўзнинг пасткида яшил рангда лотин имлосида SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI сўзлари ёзилган.

Рамзнинг марказидаги сўзлар ватанимизнинг мусаффо ва беғубор осмони остида O‘ZBEKISTON “ADOLAT” SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI мавжудлигини ва ўз дастури асосида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг равнақи учун хизмат қилишини кўрсатади.

3. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси рамзнинг тасвири:

а) Ўзбекистон “Адолат” СДП Қурултойи, Конференциялари, Сиёсий ва ҳудудий Кенгашлар Пленумлари, Ижроия Қўмита мажлислари залларида ва партияни турли йиғилишлари ўтказиладиган жойларда ўрнатилган баннер, плакат ва бошқа кўргазма жиҳозларида жойлаштирилиши лозим;

б) Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши, унинг Ижроия Қўмитаси ва Марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар, туман Кенгашларининг муҳрлари ва бланкаларида фойдаланилади;

в) Ўзбекистон “Адолат” СДП расмий нашрларида берилади.

4. Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси қарори билан партия рамзнинг тасвирини акс эттириш мажбурий бўлган бошқа ҳоллар ҳам назарда тутилиши мумкин.

5. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг рамзининг такрорланаётган тасвири унинг катта-кичиклигидан қатъи назар, ушбу қарорга илова қилинаётган рангли тасвирга мос келиши керак.

Мазкур рамз 2012 йил 22 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгашининг VII Пленумида тасдиқланган.